

HUDDUQAZ XORAZM



HGT

GAZ TA' MINOTI FILIALI

**Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга
етказиб бериш ва қабул қилиш**

ШАРТНОМАСИ

№ 13-1 /

Урганч шаҳар 2023 йил

Эмергер ресурслар байденик булимни
бюлими

Юрдини КСМларга убадид гаали
енилиб булимни убадид гаали
булимни

ИКТ булимни фоссэ дагуу
булимни масули колди

Метрология ушумети
булимни

NGT
ИИДЛОБГУЗ ХОВАЗМ
GAZ TA' MINOLI FILIALI

Табии газни умумий истеъмолчиларга

етказиб бериш ва кудул килиши

ШАРТНОМАСИ

№ 1/2017



Фойдаланишга қабул қилинган газда ишлайдиган қурилмалар
РУЙХАТИ

Т/р	Корхона, бўлим, цех ва бошқаларнинг номи	Агрегатлар		Газни лойдхавий сарфи (паспорт), м³/соат	Хисобга олиш приборлари турлари	Изоҳ*
		номлиниши	сони			
	Виллет Башарит Башарит	А048-661	2	15,75	05TENGT0	
					TRER03122091023	

* қандай тарифлар қўлланилиши қайд этилади, табиий газдан аҳолини газ билан таъминлаш учун фойдаланиладиган илоравий ва муниципал уй-жой фондига, яридик шахслар ётоқхоналарига ва ҳусусий уй-жой мулкдорлари ийрақатларига ҳамда аҳоли зўрмежи учун локал ҳозирхоналарга маънавий истеъмолчилар учун белгиланган тариф қўлланилишини назарда тутиб, ушбу ҳоват алоҳида қайд этилади.

Келишилди:

Етказиб берувчи:

Истеъмолчи:

Истеъмолчи: Ш Сабираб

Шарҳ ва тўлган газ таъминоти бўлими билан:

Изоҳ: Ш Сабираб

Изоҳ: Ш Сабираб

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш
ШАРТНОМАСИ

“09” сентябрь 2023 йил

№ 13-1

Урали шохар
(шартнома турлидаги жой)

Кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталувчи

Хоразм вилояти Башарит тумани

(истеъмолчининг номи)

номидан ишончнома асосида ҳаракат қилувчи раҳбари

бир томондан ва (кейинчалик “Етказиб берувчи” деб аталувчи)

“Худудгаз Хоразм” СТФ

(таъминоти ташкилотининг номи)

номидан ишончнома асосида ҳаракат қилувчи, раҳбари

Ш Сабираб

иккинчи томондан, ушбу Шартномани қуйидагилар

ҳақида имзоладилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртмаомаси бўйича табиий газни (кейинларда ўринларда газ деб аталади) мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмларда етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу ҳажмда кўрсатилган газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатда амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи ушбу шартномага мувофиқ, газ таъминоти лойиҳаси асосида, стандартлаштирилган ва сертифициланган газ ёқил моллалари ва газдан фойдаланиш учун ускуналар, шунингдек, газ сарфини ҳисобга олиш приборлари (кейинги ўринларда ўлчаш моллалари деб аталади) мавжуд бўлганда газ етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-банди) асосан келгуси йилда газга бўлган асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи ҳар йили 15 июлгача бўлган муддатда етказиб берувчига чораклар бўйича (киш даври учун – ойлар бўйича) тақсимланадиган келгуси йилги газ истеъмолининг прогноз қилинаётган ҳажми учун, шу жумладан шахсий электрон кабинет орқали, буюртма беради.

1.4. Истеъмолчининг асослангирилган буюртмаомасига асосан 2023 йил учун етказиб берилган газ ҳажми 679 куб метри, нархи 2910000 минг сўмни ташкил қилиб, белгиланган ҳажмдаги босим билан техник шартлар асосида, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича аниқланади:

I чорак	679	минг куб.м., январь	23	февраль	23	март	23
II чорак	—	минг куб.м., апрель	—	май	—	июнь	—
III чорак	—	минг куб.м., июль	—	август	—	сентябрь	—
IV чорак	—	минг куб.м., октябрь	—	ноябрь	—	декабрь	—

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлик ҳажмда кўрсатиш учун газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорига кайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 2023 йилда зарур бўлган газнинг минимал ҳажми 619 минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагини ташкил қилади:

I чорак	<u>619</u> минг куб м., январь	<u>213</u> февраль	<u>213</u> март
II чорак	<u>—</u> минг куб м., апрель	<u>—</u> май	<u>—</u> июнь
III чорак	<u>—</u> минг куб м., июль	<u>—</u> август	<u>—</u> сентябрь
IV чорак	<u>—</u> минг куб м., октябрь	<u>—</u> ноябрь	<u>—</u> декабрь

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани такдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан табиий газ хажми чораклар бўйича (киш даври учун — ойлар бўйича) тенг тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчининг келгуси ой учун қутилаётган ўзгариш тўғрисидаги аризасини тасдиқланган ресурслар баланси ва табиий газ тақсимотига мувофиқ ажратилган хажмлар даражасида кўриб чиқиши мумкин.

1.7. Ушбу шартнома шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22—сонли қарори билан тасдиқланган Табиий газдан фойдаланиш Қондаларига талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Тарафлар шартнома шартларига риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада кўрсатилган муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнғувчи газлар)га мувофиқ етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4-бандига асосан ҳар бир ой учун кунлик (соат) тенг тақсимланган ҳолда газни қабул қилиб олади, шунингдек, 4.11-бандига асосан газни етказиш-қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига газни етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги ҳақида 3 сутка олдин қайд қилинган хабарномани мавжуд усуллар орқали маълум қилиши шарт.

Етказиб берувчининг фавқулодда-диспетчерлик хизмат телефон рақами:

Ўзбекистон ёзуви кўраси 66-95 104-62-223 3766

Истеъмолчининг манзили ва телефон рақами:

Урама шохор И.Дособ кўраси 2-йў

2.4. Етказиб берувчи газ етказиб беришнинг қисқартирилиши ҳақида қайд қилинган хабарномани мавжуд усуллар орқали Истеъмолчини амалда газ етказиб бериш қисқартирилишидан 3 кун олдин хабардор қилади.

Газ қувурларида авария ҳолатларида Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қаматирилганлиги ёки тўхтатилганлиги тўғрисида тезкор хабардор қилади.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ — “Худлағатаъминор” АЖ Худудгаз Хоразм ГТР
(сиз тақсимоти тақсимловчисиз)

Почта манзили: Ўзбекистон ёзуви кўраси 66-йў
 КТУТ коди: _____
 ХХТУТ: _____
 Боғланиш телефони: _____
 Тўловлар учун банкнинг ҳисоб-рақами: _____
 Банкнинг номи: _____
 ФПМ: _____
 СТИР: _____
 Рақобар: _____
 Икшо: _____
 М: _____



ИСТЕЪМОЛЧИ Хоразм вилоят вақоми беш бешқармаси
 (бўлжам тақсимловчиси ва тақсимоти тақсимловчиси)

Почта манзили: Урама шохор И.Дособ кўраси 2-йў
 КТУТ коди: _____
 ХХТУТ: _____
 Боғланиш телефони: 224-12 23 ШНН: 200 413 176
 Тўловлар учун банкнинг ҳисоб-рақами: 190021860334017109120141001
 Банкнинг номи: Додарқалий банк Тош.ш. ХККМ
 ФПМ: 190021860334017109120141001
 СТИР: _____
 Рақобар: _____
 Икшо: _____
 (Ф.И.Ш.)



_____ (сана)
 _____ (ном ва вазифа)

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсдан кўл даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг қелишувидида бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

13.2 Фуқаролик Кодексининг 455, 476-моддаларида назарда тутилган асосларга кўра табиий газ етказиб бериш Етказиб берувчи бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

13.3 Шартномани амал қилиш даврида шартнома VI-бўлимида назарда тутилган бандларини бир неча бор бузиш ҳолатларида бекор қилиниши мумкин.

13.4. Истеъмолчи томондан шартноманинг 13.1-бандида кўрсатилган қонда-бузарликлар баргараф этилиб, ушбу қондабузарликлар натижасида етказилган зарар тўлиқ қопланганидан сўнг, истеъмолчи билан газ етказиб бериш шартномаси тузилади.

XIV. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОНДАЛАР

14.1. Ушбу шартнома шартларида назарда тутилмаган ҳолатлар ва ўзаро қелиб чиқадиган низолар Вазиirlар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган Табиий газдан фойдаланиш қондаларига ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

14.2. Ушбу шартнома 14 варақдан иборат бўлиб, бир хил юридик кучдаги икки нусхада тузилган ва ҳар бир томонда бир нусхадан сақланади.

2.5. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда табиий истеъмолчиларни, идоравий ва муниципал уй-жой фондини, аҳоли эҳтиёжларини, шунингдек стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмолчиларни об-ҳаво совиб кетиши даврида газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида Табиий газдан фойдаланиш қондаларида белгиланган тартибда Истеъмолчига газ етказиб бериш қисқартирилиши ёки бутунлай тўхтатилиши мумкин.

2.6. Истеъмолчи ўз тасарруфидаги газ тармоқлари ва уларга ўрнатилган ускуналар, Истеъмолчига тегишли бўлган газ тақсимлаш пунктлари (ГПП) ва газдан фойдаланиш қурилмалари, газ тармоқларининг сақланиши ва техник хизмат кўрсатилиши, фойдаланилиши ва уларнинг яроқлилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилгига ўтказиб жавабга қирғилган тақдирда захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ой давомда эҳтиёжни қоплайдиган) шакллантириши шарт. (стратегик қорхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

Истеъмолчи табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчида газ истеъмоли ҳажми ўзгариши муносабати билан қўшимча газдан фойдаланиш қурилмаларининг ўрнатилиши, реконструкция ёки таъмирланиши лозим бўлганда Истеъмолчи Етказиб берувчидан реконструкция қилишнинг техник шартларини олиши шарт. Газ тармоқларига уланиши Табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.9. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реқвизитлари ўзгарган тақдирда улар дарҳол бу ҳақда бир бирларини хабардор қилишлари лозим.

2.10. Газни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, транспортировка қилиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишнинг ягона ажралмас технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда, газни ишлаб чиқарувчи, транспортировка қилувчи қорхоналарнинг ва Етказиб берувчининг амалдаги қонунчилик талабларига мос бўлган кўрсатмаларининг бажарилиши Истеъмолчи учун мажбурийдир.

2.11. Истеъмолчи газ ҳисоблаш прибори маълумотларини Табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда ТПНХАТ деб аталади)га онлайн тарзда мунтазам узатилишини таъминлаш чораларини кўради.

Маълумотларни ТПНХАТга онлайн тарзда узатилишида Етказиб берувчига алоқадор бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмастан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши четарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари ёки ўлчаш комплекси кўрсаткичлари бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши четараси Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ёки ўлчаш комплекси ўрнатилиши шарт.

3.3. Етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоб стандарт шартларга нисбаган газ ҳажмини – куб метрларга келтирган ҳолда ($T = 20^{\circ}\text{C}$, $P = 760$ мм симоб устуни ҳисобига) амалга оширилади. Табиий газ сарфини ҳисоб-китоб қилишда қуйидаги жиҳатлар ҳисобга олинади:

манометрлар ва термометрларнинг созлиги, уларнинг давлат қисловидан ўтганлигининг амал қилиш муддати;

ГТШни созлаш (тартибга солиш) муддати, шунингдек амалдаги ишчи босимининг ГТШнинг созланганлиги тўғрисидаги далолатномада қайд этилган параметрларга мувофиқлиги.

Юқоридаги кўрсаткичларга рноя қилинмаганда, P ортиқча = $1,0$ кг/см 2 коэффициентни қўлланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулкки ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ТТХНАТ)га уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.8. Газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборларини давлат қисловидан ўтказиш метрология хизмати органлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

3.9. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёсов кўриниш/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва ёки ишлаб чиқариш эхтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

3.10. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.11. Газнинг физик-кимёвий параметрлари стандарт шартлардаги зичлик, азот (N_2) ва углерод диоксиди (CO_2) Стандарт торайтирувчи қурилмалар асосидаги ўлчов комплексларининг конфигурациясига киритилади.

Етказиб берувчи Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш приборига, унинг сифат лабораторияси томонидан тақдим этиладиган газ таркиби бўйича тузатувчи ўзгартиришлари 12 соатдан кечиктирмадан киритиши керак. Газ таркиби бўйича кўрсаткичларнинг ўз вақтида ва ҳаққоний киритилиши учун жавобгарлик Етказиб берувчи зиммасида бўлади.

3.12. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакиллариининг тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда ўлчаш приборлари ва ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.13. Қуйидаги ҳолатларда етказиб берилган табиий газ учун пломбаламаган газдан фойдаланиш асоб-усуналарининг бир суткада тўлик қувват билан 24 соат ишлаши ҳисобидан амалга оширилади:

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар уларнинг хоҳиш ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар сабабли ушбу шартномаларда қайтариб бўлмайдиган ва олдидан билиб бўлмайдиган (фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган энгизиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлик ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

11.2. Агар кўрсатилган форс-мажор ҳолатлари мажбуриятларнинг шартномада белгиланган муддатларда бажарилишига таъсир қилса, у ҳолда ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш вақтига, аммо табиий таъминоти шартномасининг амал қилиш муддатидан кўп бўлмаган вақтга узайтирилади.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага киритилмаган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ва томонлар ўртасида имзоланган бўлиши лозим.

12.2. Бюджет ташкилот учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ҳазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Ушбу шартнома 2023 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши муносабати билан томонлардан ҳеч бири уни бекор қилиш ҳақида муурожаат қилмаган тақдирда, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан муурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили “ ” йил 31 декабр санасига” амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

Томонлар ўртасидаги ўзаро келишувга асосан ҳал этилмаган низолар жавобгарнинг жойлашган жойидаги Иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.

XIII. ШАРТНОМАНИНГ ЎЗГАРТИРИШИ ВА БЕКОР ҚИЛИШИ ТАРТИБИ

13.1. Фуқаролик кодексига, бошқа қонунларда ёки мазкур шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

а) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;

б) Фуқаролик Кодекси, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) газ тармоқларида авария ҳолатлари;

в) киш даврида вақтинча газ етказиб беришни белгиланган тартибда чеклаш жорий этилганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарори, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатиغا киритилган қорхоналардан ташқари).

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига мuddати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорда, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган мuddатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи мuddати ўтган ҳар бир кун учун мuddати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, бироқ мuddати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

Алоҳида тартиби белгиланмаган стратегик ташкилотлар газ таъминоти ташкилотига тўлов мuddати ўтган ҳар бир кун учун тўлов мuddати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорда, лекин мuddати ўтган суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАДБИЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишни кафолатлайди.

9.2. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Етказиб берувчининг мафлаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Етказиб берувчининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзга келган тақдирда томонлар қонунчилик талабларига кўра, уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.2. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

газни ҳисобга олиш приборини давлат қиёсловидан ўтказиш мuddати тугаганда ва Истеъмолчи давлат қиёсовини ўтказишга тўққинчилик қилган ҳолатда, тегишли ҳисоб-китоб мuddати тугаган вақтдан бошлаб у ўтказилгандан кейин газни ҳисобга олиш приборини ўрнатишга бўлган даврга.

Истеъмолчи томонидан қўйида кўрсатилган қонда бузилишлари содир этилган тақдирда, ундан истеъмолад қилинган табиий газ ҳажмлари нархи (амалдаги тарифлар бўйича) Етказиб берувчининг ваколатли ходими сўнги кўриқдан ўтказиш вақтидан бошлаб, газдан фойдаланиш ускунасининг сутканинг 24 соатида тўлиқ қувват билан ишлаши ҳисобидан келиб чиққан ҳолда, бироқ мазкур ҳисоб-китоб даври (ой)дан ортиқ бўлмаган мuddатга ундирилади:

а) табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборига қасдан шикаст етказиш;

б) ўчириш қурилмалари, газдан фойдаланадиган ускуна ёки табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборида ўрнатилган тамгаларни қасдан бузиш;

в) табиий газ ҳисобини юритмасдан ёки ўрнатилган табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларидан фойдаланмасдан табиий газни ишлаши, ойлик мсьёрлар бўйича аҳоли маиший эҳтиёжлар учун табиий газ етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатиш бундан мустасно;

г) газ қувурлари ёки ГТШларда, газ тақсимлаш тармоқларини технологик иш режимини бузишга олиб келадиган қурилмаларни ўрнатиш.

Охириги кўриқ ёки охириги ташриф – газ таъминоти ташкилотининг ваколатли ходими томонидан ҳисоблагични техник ва метрологик ҳолатини ҳамда газ ускуналарини жойига чиққан ҳолда кўздан кечириш (тасдиқловловчи ҳужжатлар тақдим этилганда) ҳисобланади.

Хатловдан ўтказиш далолатномаси мавжуд бўлмаганда табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ечиб олиш санаси охириги хатлов ўтказилган кун ҳисобланади.

Истеъмолчилар томонидан газлаштириш учун зарур ҳужжатлар расмийлаштирмасдан газ тармоқларига ўзбошимчилик билан уланган тақдирда, ушбу хатти-ҳаракатларни содир этган шахслардан руҳсатсиз фойдаланилган газ ҳажмлари қиймати Истеъмолчи давлат рўйхатидан расмий ўтказилган кундан бошлаб (тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) ўтган вақт мобайнида газдан фойдаланиш ускунасининг сутканинг 24 соатида тўлиқ қувват билан ишлаши (ёки стандарт газдан фойдаланиш ускунаси мавжуд эмаслигида қувурнинг ўтказиш имконияти) ҳисобидан келиб чиққан ҳолда, бироқ даъво мuddатидан ортиқ бўлмаган миқдорда ундирилади.

Шунингдек, тармоққа уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада максамал (тўлиқ) қувват билан 24 соат ишлаши ҳисобидан келиб чиқиб, истеъмол қилинган табиий газ ҳажмларининг қиймати қўйидаги ҳолларда ундирилади:

а) ҳисобга олишни ноўғури кўрсатиш мақсадида ҳисобга олиш приборининг конфигурацияси ва созлигини ўзгартириш учун табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборига модем ёки бошқа алоқа воситаларининг руҳсатсиз улангани аниқланганда – руҳсатсиз аралашилган кундан бошлаб бутун вақт давомида (аралашиш ҳолати ва санасини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда), лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврга;

б) табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборининг хотирасидан истеъмолчининг айби билан назорат қилинадиган маълумотлар қисман ёки тўлиқ йўқотилишига йўл қўйилганда – маълумотлар йўқотилган вақтдан носозлик аниқланган вақтга (аралашиш ҳолати ва санасини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд

бўлганда), вақтни (даврни) аниқлаш имкони бўлмаганда — охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврда;

в) газ истеъмоли хажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортқича бўлганда. Ушбу ҳолатда пломбланмаган газ жиҳозларида фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса — газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марга бориб кўрилган кунда амалга оширилади;

г) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартirilганда, прибордан ташқари визуал аниқлаб бўлмайдиган яширин йўл билан улангилар (газ кувурлари, байпас линиялари ва бошқаларни яширинча монтаж қилиниши) аниқланганда — охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврда;

д) ҳисобга олиш прибори бузилганда ёки мавжуд бўлмаганда (истеъмоличи айби билан), пломбалар узилганда ва визуал аниқланадиган табиий газнинг ҳақиқий истеъмоли кўрсаткичларини камайтириш мақсадидаги бошқа қоидабузарликларда (жумладан, ҳисобга олиш приборидан ташқари ёки ундан олдин газ кувурлари ва байпас линиялари уланганда) — бир ҳисоб-китоб даврдан кўп бўлмаган вақтда;

Ҳисоблаш прибори Истеъмолининг айбисиз носоз ҳолга келганда, ҳисоблаш прибори ПТНХАТга уланган бўлиб, тизимдан архив маълумотлар олиш имкони бўлганда, ҳисоб-китоб амалга оширишда ушбу маълумотлардан фойдаланилади.

Ҳисоблаш прибори носоз ҳолга келганда, Истеъмоличи 24 соатдан кечиктирмасдан бу ҳақда Етказиб берувчига хабар бериши, шунингдек, Истеъмолинчи ва газдан фойдаланувчи ускуналари иш ҳажвализи тузиши ва газдан фойдаланаётганидан газ ускуналарини Етказиб берувчи Истеъмоличи иштирокида таъминлаб қўйиши ва тегишли далолатнома расмийлаштириши шарт.

е) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмасдан қўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослангирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда), охириги хатлов далолатномаси тузилган кундан, лекин бир ҳисоб-китоб даврдан кўп бўлмаган вақтда.

Газ узиб қўйилгандан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмоли қилинган газ хажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобдан аниқланади.

Бунда қоидабузарлик тўғрисидаги далолатномага мувофиқ амалга оширилган зарарни ҳисоблаш учун асос ҳисобланади.

3.14. Етказиб берувчи томонидан етказиб берилмаган газ хажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи “Ўзстандарт” агентлиги бўлиналарида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмоличи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса Етказиб берувчи томонидан амалга оширилади.

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқишга;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (кейинги ўринларда ЛПХ деб аталади) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймастикка;

- газ таъминоти ташкилоти вакилларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) газни истеъмоли қилиниши ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечирishiни таъминлашга;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этишга;

-газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартiriш мақсадида уларнинг ишлашига тўқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмастикка, уларнинг касддан бузилишига йўл қўймастикка ва ўрнатилган таъминларнинг бутунлигини таъминлашга;

- газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, 24 соат ичида газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилишга;

7.4. Истеъмоличи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган газнинг аниқланган хажмига ва бошқа параметрларига норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда узатилиши;

- шартнома бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ хажми учун тўланган суммани қайтариш;

- шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш;

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатиши.

Истеъмоличи қонуничлик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОбГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмоличига шартномага асосан газ етказиб бермаган ёки тўлиқ етказиб бермаганлиги оқибатида етказилган аниқ зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги натижасида Истеъмоличига моддий зарар етказилганда, Истеъмоличи Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан белгиланган тартибда жарима қўллаш бўйича судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

8.3. Шартномада кўрсатилган хажмдан кам хажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан амалдаги қонуничликда белгиланган тартиб асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 7.1. Етказиб берувчи қуйдагиларга мажбур:
- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклашга;
 - ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечиришга;
 - газ етказиб бериш қисқартириш ёки тўхтатиш тўғрисида ушбу шартноманинг 2.4 ва 2.5-бандлари талабларига кўра Истеъмолчини хабардор қилишга;
 - ўзбошимчилик билан уланиш ҳолатлари аниқланганда, газ тармоқлари моддий органиларнинг талон-тароғ қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш
 - истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газ етказиб беришга;
 - ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажаришга;
 - қонунчилик ҳужжатларида белгиланган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмолчиларни об-хаво совия кетини даврида табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида ушбу шартноманинг 2.5-банди талабларидан келиб чиққан ҳолда табиий газни қисқартириш ёки тўхтатиб қўйишга.
- Етказиб берувчи Қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- 7.2. Етказиб берувчи қуйдаги ҳуқуқларга эга:
- истеъмолчини белгиланган тартибда ушбу шартноманинг 2.4 ва 2.5-бандлари талабларига мувофиқ хабардор қилган ҳолда, газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;
 - ўзбошимчилик билан уланиш ҳолатлари аниқланганда, уларни газ тармоқидан узиб қўйиш;
 - истеъмолчилардан Табиий газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб қилиш;
 - шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
 - газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш.
- 7.3. Истеъмолчи қуйдагиларга мажбур:
- газдан оқилона ва самарали фойдаланишга;
 - ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига унинг вақили билан бирга электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этишга;
 - тасарруфдаги газ қуурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлашга;
 - газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилишга;

3.15. Агар газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекс носоҳ ҳолга келганда ёки газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соатдан кечиктирмасдан бу ҳақида Етказиб берувчига хабар бериши, шунингдек, Истеъмолчини ва газдан фойдаланувчи ускуналарни иш жадвалини тузиши ва газдан фойдаланимайдиган газ ускуналарини Етказиб берувчи Истеъмолчи иштирокида таъмирлаб қўйиши ва тегишли далолатнома расмийлаштириши шарт.

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

- 4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.
- 4.2. Газ учун нархлар ваколатли орган томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.
- Бунда, Истеъмолчининг идоравий ва муниципал уй-жой фондига, ётоқхоналарига ва аҳоли эҳтиёжи учун локал қозонхоналарига Етказиб берувчи томонидан табиий газнинг истеъмолчилар учун белгиланган тариф қўлланилади ва бу тўғрисида шартноманинг иловасига мувофиқ қайд этилади.
- 4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан қамда 5 кун олдин Етказиб берувчи ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 70 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.
- Ҳисоб-китоб даври бошланишидан қамда 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш ҳоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирти тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан қамда 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдорда олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.
- 4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.
- 4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик қорхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).
- 4.6. Истеъмолчи томонидан олинган газ учун узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш ҳисоб-китоб ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача амалга оширилади.
- 4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш оий тугатилган кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадлар.
- 4.8. Газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан газ етказиб беришга шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтариқмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.
- 4.9. Истеъмолчи томонидан газ етказиб бериш учун тузилган шартномада ҳисоб-китоб оий давомида белгиланган кўп ҳажмда ва Етказиб берувчи билан олдиндан келишимасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан (газ етказиб беришнинг алоҳида тартиби белгиланмаган стратегик ташкилотлар бундан мустасно) шартномадаги ҳажмлардан орტიқча олинган газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, газнинг ҳисобини юритилишида истеъмолчи айбдорлиги асослангирлиб камчиликлар аниқланганда, истеъмол қилинган газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб-ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинган тақдирда, истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган газ қийматига нисбатан 1,4 коэффицент билан оширилган тўлов ундирилмайди.

Набатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган газ ҳажмлари бўйича ушбу шартнома ўзгартирилишидан олдин Истеъмолчи Етказиб берувчига бу ҳақида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай ҳолатлар ортиқча олинган миқдор деб ҳисобланмайди.

4.10. Газ учун истеъмолчининг тўлов муддати ўтган қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари истеъмолчини хабардор қилган ҳолда, тўлов муддати ўтган қарзни тўлашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоб ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида Газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади.

Далолатномани расмийлаштиришда қуйидагилар инобатга олинади:

а) газ ҳисоблаш прибори кўрсаткичлари, автоматик тарзда тўғриланадиган газни ҳисоблаш приборидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) истеъмолчи газ тармоқлари ва ГПШаги технолог йўқотишларнинг ҳисобланган ҳажми кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилган далолатнома.

4.12. Кўрсаткичлар олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5-кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси ва счeт-фактура расмийлаштирилади.

4.13. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва счeт-фактурани қабул қилиб олади ва имзолайди ҳамда бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.

4.14. Газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Етказиб берилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш оyi тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрисида далолатноманинг бир нусхасини тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.15. Етказиб берилган табиий газ учун қарзларни ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича аризалар иктисодий ишлар бўйича судида кўриб чиқилаганда табиий газ етказиб берувчи ташкилот олдиндан давлат божи тўлашдан озод қилиниб, кейинчалик давлат божи суммаси айбдор томондан ундирилади.

4.16. Газ учун амалдаги тарифлар (нарсалар) ўзгарган ҳолатда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур Шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунида белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой қўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

Фойдаланилган газ учун тўлов суммаси газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборларидан кўрсаткичларини олиш вақтида амалда бўлган тарифлар асосида ҳисобланади. Тарифлар ўзгарганда, аввал ҳисобланган сумма бўйича тарифлар ўзгаришига қадар тўлов амалга оширилмаган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайдиган қарздорлик вужудга келган деб тан олинади.

V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ Фойдаланиш учун ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан 3.13-бандида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатнома билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, Етказиб берувчи вакилнинг сўшти кўздан кечирish кунидан бошлаб, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундирилади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчи (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятта эга истеъмолчилар бундан мустасно) газ тармоқларидан қуйидаги ҳолатларда узиб қўйилади:

– фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;

– Етказиб берувчининг қонунчиликда белгиланган кўрсатмалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакиллари ҳисоблаш приборларидан кўрсаткични олиштига қўйилмаганда;

– ҳисоблаш приборларига касддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ва бошқа Табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатларида;

– газни талон-тарож қилиш, газ тармоқларига ноқонуний улааниш ҳолатлари аниқланганда.

– ПНХАТ носоз ёки мавжуд бўлмаса.

6.2. Етказиб берувчи етказиб берилган газ учун қарздор бўлган Истеъмолчини қарзини беш кун ичида узини лозимлиги ҳақида хабардор қилади.

Етказиб берувчи Истеъмолчини хабардор қилган вақтдан бошлаб беш кун муддат ўтгандан сўнг, Истеъмолчини дебитор қарздорлик учун газ тармоқларидан узиб қўйиш ва уларни қайтадан улааниш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

Қайта улаанишда Истеъмолчидан тўлов кунни амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқоридида ҳақ ундирилади. Бунда, ПНХАТга уланган ҳамда ҳисобга олиш прибори автоматик тарзда Учириб-ёқниш қурилмасига эга бўлган истеъмолчиларни газ тармоқларига қайта улааниши учун ҳақ ундирилмайди.